

---

## ДАНҒАРА ТУМАНИДА ЯНА БИР МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ.

Данғара тумани Бойбўта МФЙ Тоғлиқ қишлоғида 60-сонли мактабгача таълим ташкилоти фойдаланишга топширилди. Давлат дастури асосида ажратилган маблағ хисобига қуриб битказилган ушбу боғча ўз бағрига 100 нафар тарбияланувчиларди олди ҳамда 20 нафар “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”га киритилган ишсиз фуқаролар янги иш жойига эга бўлди.

Мактабгача таълим ташкилотининг очилишига бағишлаб ташкил этилган тадбирда Фарғона вилояти Мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи, туман ҳокими, сектор раҳбарлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этдиб, болажонларни янги муассасанинг фаолият бошлагани билан муборакбод этишди.

Очилиш маросимида болажонлар томонидан тайёрланган саҳна кўринишлари намойиш этилди.

Ушбу муҳташам бинодаги ўйин майдончалари, кенг ва ёруғ хоналар, ётоқ жойлари ва ошхона болажонларнинг эмин-эркин ўсишлари, соғлом ва билимли бўлишлари учун хизмат қиласди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook](#),  
2022-01-26 14:49:57